

ПОЙТАХТИМИЗДА СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ТАҲЛИЛИ

Бахтиёр Рахмат Абдуманноб ўғли

Тошкент давлат Транспорт университети

ИНФОРМАЦИЯ О СТАТЬЕ

АННОТАЦИЯ:

ИСТОРИЯ СТАТЬИ:

Received: 28.09.2025

Revised: 29.09.2025

Accepted: 30.09.2025

КАЛИТ СЎЗЛАР:

*от-арава иштирокида,
тўсиққа урилиш,
ағдарилиш, бахтсиз
ҳодиса, ҳаракат
хавфсизлиги, ҳаракатни
нотўғри ташкил этиш,
тезликка риоя этмаслик,
йўл инфратузилмаси..*

Сўнги йилларда транспорт воситаларнинг турли хил русумлари шиддат билан ишлаб чиқарилаётганлиги, шу билан бирга йўлларда содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг турли хил турларини учраши ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, айниқса пойтахт кўча-ларида йўл-транспорт ҳодисаларининг нафақат пиедалар иштирокидаги яна бошқа турдаги – тўқнашув, ағдарилиш, тўсиққа урилиш, велосипедчини уриб юбориш, от-аравани уриб юбориш, ҳайвонни уриш каби йўл-транспорт ҳоди-салари ошиб бориши ва энг аянчли оқибат билан тугаётганлиги, ушбу содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларни таҳлили ҳамда уни олдини олиш, камайтириш чора-тадбирлари ҳақида.

Тошкент шаҳри йўлларида транспорт воситаларининг оқими йилдан-йилга эмас, кундан-кун кўпайиб бориши, шу билан бирга бошқа йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳам ошиб бориши, йўллардаги тирбандликлар, айрим чорраҳаларда бир неча дақиқалаб тўхтаб туришлар, оқибатда бир-бирига йўл бермаслик, ҳаттоки йўл ҳаракати қоидаларига риоя этмасликлар натижасида турли хил турдаги йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқишини кузатиш мумкин.

Жорий 2025 йилнинг ўтган 8 оyi давомида Тошкент шаҳрида содир этилаётган ЙТХларни турлари бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, жами :

Тўқнашувлар сони 252 тани ташкил этган бўлса, бу ўтган даврга 2024 йилда 229 тани ташкил этади, бу 23 тага кўпайганлигини ва +23 % ни ташкил этганини кўраимиз.


Ҳалок бўлганлар 15/18, яъни 3 нафарга камайганлигини, жароҳатланганлар эса ўз навбатида 311/345 ва 34 нафарга камайганлиги кўриш мумкин.

Ағдарилиш : 7 тани ташкил этган бўлса, бу ўтган даврга 2024 йилда 2 тани ташкил этади, бу 5 тага камайганлигини ва 250 % ни ташкил этади. Жароҳатланганлар эса ўз навбатида 11/2, яъни 9 тага ўсганлигини ва бу 450 % ни ташкил этди.

Турган транспорт воситасига бориб урилиш : 32 тани ташкил этган бўлса, бу ўтган даврга 2024 йилда 25 тани ташкил этади, бу 7 тага кўпайганлигини ва 28,0 % ни ташкил этади. Ҳалок бўлганлар 3/1 ни, жароҳатланганлар эса ўз навбатида 30/9, яъни 9 нафарга ўсиб, 30,0 % ни ташкил этди.




Тўсиққа урилиш : 26 тани ташкил этган бўлса, бу ўтган даврга 2024 йилда 34 тани ташкил этган, яъни 8 тага камайганлиги ва 23,5 % ни ташкил этади. Ҳалок бўлганлар 3/14 нафарни, яъни 11 нафарга камайганлиги, бу эса 78,6 %ни, жароҳатланганлар эса ўз навбатида 41/39, 2 нафарга ошганлигини, яъни 5,1 % ни ташкил этган.



1-расм : чизма кўринишидаги ЙТХларни **тўқнашув** тури буйича

Пиедани уриб юбориш : 440 тани ташкил этган бўлса, бу ўтган даврга 2024 йилда 456 тани ташкил этади, бу 16 тага камайганлигини ва 3,5 % ни ташкил этади. Ҳалок бўлганлар 37/38 тани, 1 тага камайганлигини, фоиз ҳисобида 2,6 ни, жароҳатланганлар эса ўз навбатида 434/ 443 ни, яъни 9 нафарга камайганлигини, бу 2,0 % ни ташкил этган.



2-расм : диаграмма кўринишидаги ЎТХларни **тўқнашув** тури буйича

Велосипедчини уриб юбориш : 31 тани ташкил этган бўлса, бу ўтган даврга 2024 йилда 30 тани ташкил этади, бу 1 тага ўсганлигини ва 3,3 % ни ташкил этади. Ҳалок

бўлганлар 3/1 тани, 2 тага ошган, яъни 200,0 % ни, жароҳатланганлар эса ўз навбатида 28/32 тани ташкил этиб, 4 нафарга камайганлигини, бу фоиз ҳисобида 12,5 ни ташкил этган.

Пойтахтимиз кўчаларидаги содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларнинг тури буйича таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, натижаларига кўра сўнгги йилларда кўпинча куйидаги кўринишдаги ҳодисалар қайд этилмоқда.

1. Икки ёки ундан кўпроқ транспорт воситалари тўқнашувлари;
2. Тўсиққа ёки йўл инфратузилмасининг бошқа объектига тўқнашиш;
3. Бошқарувни қўлдан чиқариш оқибатида транспорт воситаси ағдарилиши ;
4. Тўхтаб турган транспорт воситасига бориб уриш;

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.04.2022 йилдаги 190-сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида жорий 2025 йилнинг 09 июль куни “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва тирбандликкеи камайтириш” буйича видеоселектор йиғилишидан маърузалари.
3. “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Респуб-ликаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 12.04.2022 йил. №172.
4. Сильянов В.В. и др. Безопасность дорожного движения. Справочная энциклопедия дорожника (СЭД). Т. VIII.–М.:ФГУП «ИНФОРМАВТОДОР», 2008.
5. Аземша С.Н., А.Н.Старовойтов. Применение научных методов в повышении БДД. Гомель, 2017 год.
6. Клишковштейн Г.И., Афанасьев М.Б. Организация дорожного движения: Учеб. для вузов – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: Транспорт, 2001.
7. Кременец Ю.А., Печерский М.П., Афанасьев М.Б. “Технические средства ОДД” : учебник для вузов. – м.: ИКЦ «Академкнига», 2005.
8. Қ.Х.Азизов: “Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари”. Тошкент 2009.- 264 б.
9. Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ статистика маълумотлари @Militsiya_Uzb.